

МАҲАЛЛА САЙЛОВИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Мамлакатимизда инсон хуқуқ ва эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш, фуқаролик жамияти институтларини, хусусан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ривожлантириш йўлида кенг кўламли саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Натижада ноёб бошқарув тизими — маҳалланинг нуфузи юксалиб, аҳолини аниқ манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, умуман, жамиятда аҳиллик, бирдамлик ва тотувликни мустаҳкамлашдаги ўрни ҳамда таъсири тобора ортиб бораётир.

Маҳалла институтига қаратилаётган бундай катта эътибор бугун юртимизда олиб борилаётган сиёсатнинг халқчиллигидан далолатdir. Қолаверса, унинг хуқуқий асоси изчил мустаҳкамланаётгани шу йўналишдаги ишлар кўламини янада кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Бинобарин, 2013 йил 22 апрелда қабул қилинган янги тахрирдаги “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш тартиби янада такомиллаштирилди. Унга киритилган ўзгартиш ҳамда қўшимчалар сайловнинг ошкоралигини таъминлаш ва уни ташкил этиш ҳамда ўтказишда давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ролини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Айни чоғда юртимизда май — июнь ойларида ўтказиладиган фуқаролар йиғинлари сайловига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Жойларда ташкил этилаётган турли тадбирлар, семинар ва давра сухбатлари аҳолининг бўлажак сайлов билан боғлиқ билимларини янада мустаҳкамлаш, ушбу муҳим тадбирда фаол қатнашишларини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади, албатта.

Шу ўринда сайловга тайёргарлик босқичида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳам фаоллик кўрсатаетганини қайд этиш зарур. Улар ўз сайловчилари билан учрашувларда, шунингдек, жойларда маҳалла аҳли билан мулоқотларида сайлов жараёнини демократик тамоиллар асосида ўтказиш юзасидан тушунтириш ишларини олиб бормоқдалар.

Маълумки, фуқаролар йиғини раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини юқори савияда ўтказишда кўмаклашувчи комиссиялар ҳамда ишчи гурухларнинг фаолияти алоҳида ўрин тутади. Ҳозирги вақтда жойларда фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг -маслаҳатчилари сайловини ташкил қилиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар тузилган бўлиб, улар самарали фаолият олиб бораяпти. Ўз навбатида, мазкур комиссиялар томонидан фуқаролар йиғини раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича тузилган ишчи гурухлар фаолияти мувофиқлаштириб келинмоқда.

Фуқаролар йигини раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил қилиш ҳамда ўтказиш бўйича амалга ошириладиган тадбирлар самараси, ҳар томонлама муносиб номзодларни фуқаролар йигинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари лавозимларига кўрсатиш ишчи гурухлар фаолияти билан чамбарчас боғлиқ. Чунки айнан ишчи гурухлар сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишда аҳолига энг яқин бўлган ташкилий тузилма сифатида фуқаролар йигини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши), фуқаролар вакиллари сайлови бўйича умумий йиғилишлар ўтказилишини таъминлайди.

Ишчи гурухлар таркибиға фуқаролар йигинининг, тегишли худудда жойлашган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари, шунингдек, ҳалқ депутатлари тегишли туман (шахар) Кенгашларининг депутатлари киритилди. Фуқаролар йиғинининг амалдаги раиси ҳамда унинг маслаҳатчилари ишчи гурух таркибиға киритилиши мумкин эмаслиги қонунда белгиланган. Бу эса ишчи гурухнинг ўз фаолиятига мустақил ва холисона ёндашишини таъминлайди. Шу билан бирга, ишчи гурухлар -томонидан амалга ошириладиган муайян ҳаракатларга, қабул қилинадиган у ёки бу қарорларга раис ҳамда унинг маслаҳатчилари ўз таъсирини ўтказа олмайди.

Бундан ташқари, фуқаролар йигини раиси ёки унинг маслаҳатчилари лавозимига номзодлар кўмаклашувчи комиссияга ёхуд ишчи гурухга аъзо шахслар ёки уларнинг яқин қариндошлари орасидан кўрсатилган тақдирда, улар кўмаклашувчи комиссия ёхуд ишчи гурух таркибидан чиқарилиши ҳам сайловнинг холис, очик ва шаффоғ ўтишига хизмат қиласди.

Ишчи гурух таркибиға ҳалқ депутатлари тегишли туман (шахар) Кенгашлари депутатлари киритилиши моҳиятан фуқаролар йигини раиси ҳамда унинг маслаҳатчилари лавозимларига ўтказиладиган сайлов салоҳиятини ошириши билан бир қаторда, ҳам номзодларнинг, ҳам овоз берувчиларнинг сайловда масъулият билан иштирок этишига зарур шароит яратади. Ишчи гурухларнинг ҳамда туман, шахар кўмаклашувчи комиссияларининг -ваколат муддати навбатдаги сайлов эълон қилингунига қадар давом этади. Бу эса ана шу вақт мобайнида бўшаб қоладиган фуқаролар йигини раислари ва уларнинг маслаҳатчилари лавозимларига сайловларни белгиланган муддатда ташкил қилиш ҳамда худудда амалга оширилаётган ислоҳотлар изчиллигини таъминлашда айни муддаодир.

Фуқаролар йигини аъзоларини рўйхатга олиш фуқаролар йигини раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этишда асосий ташкилий масала ҳисобланади. Сайловчилар рўйхатини тузиш ҳар бир сайловчига ўзининг сайлаш хуқуқини рўёбга чиқариши учун имкон беради. Айни пайтда ишчи гурух томонидан сайловни юқори даражада ўтказиш юзасидан аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Кўмаклашувчи комиссиялар ҳамда ишчи гурухлар фуқаролар йигини раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил қилиш ва ўтказиш масалаларига доир фуқароларнинг мурожаатларини ҳам кўриб чиқиши ваколатига эгадир. Бу жараённинг ошкоралигини кафолатлаши баробарида, унинг иштирокчилари

томонидан қонун ҳужжатлари талабларига тўлақонли риоя этилишини таъминлашда мухим аҳамият касб этади.

Бўлажак сайловларга мамлакатимиз бўйлаб амалга оширилаётган кенг кўламли тайёргарлик ишлари фуқаролар йиғинлари раислари ҳамда уларнинг маслаҳатчилари лавозимларига энг муносиб номзодларнинг сайланишини таъминлашга қаратилган. Зеро, улар маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оиласвий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини самарали амалга ошириш ҳамда бошқа қўплаб вазифаларни рўёбга чиқаришга муносиб ҳисса қўшадилар.

**Мухтабар ҲУСАНОВА,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси депутати.**
(Халқ сўзи, 23 апрель 2016 йил)